



Ислом Нури

Аллоҳ таоло Наҳл сурасининг 105-оятда айтади:

«يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّبِعُوا الصَّوْتِ الَّذِينَ يُحِبُّونَ الصَّوْتِ يَسْتَمِعُونَ الصَّوْتِ يَكْفُرُونَ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَهُمْ كَانُوا أَعْمَىٰ»

«Ёлғон сўзларни ҳам фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларгина тўқийдилар. Ана ўшаларнинг ўзлари ёлғончидирлар»

«يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّبِعُوا الصَّوْتِ الَّذِينَ يُحِبُّونَ الصَّوْتِ يَسْتَمِعُونَ الصَّوْتِ يَكْفُرُونَ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَهُمْ كَانُوا أَعْمَىٰ» :«Ёлғон сўзларни ҳам фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларгина тўқийдилар. Ана ўшаларнинг ўзлари ёлғончидирлар»

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «Ростгўйлик яхшиликка йўллайди, яхшилик эса жаннатга йўллайди. Бир одам доим рост сўзлаб юради, ҳатто Аллоҳ ҳузурда у сиддиқ - ростгўй деб ёзиб қўйилади. Ёлғончилик ёмонликка йўллайди, ёмонлик эса дўзахга йўллайди. Бир одам доим ёлғон сўзлаб юради, ҳатто Аллоҳнинг ҳузурда каззоб - ёлғончи деб ёзиб қўйилади».

«يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا لَا تَتَّبِعُوا الصَّوْتِ الَّذِينَ يُحِبُّونَ الصَّوْتِ يَسْتَمِعُونَ الصَّوْتِ يَكْفُرُونَ بِاللَّيْلِ وَالنَّهَارِ وَهُمْ كَانُوا أَعْمَىٰ» :«Ёлғон сўзларни ҳам фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиган кимсаларгина тўқийдилар. Ана ўшаларнинг ўзлари ёлғончидирлар»



Ислом Нури

Абу Муслиб раъйи) «...».

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анхумодан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Кимда тўртта сифат бўлса, у ҳақиқий мунофиқ бўлади. Кимда улардан биттаси бўлса, то уни тарк қилгунича, нифоқдан битта сифат унда бор бўлади: Омонат берилса хиёнат қилади, гапирса ёлғон сўзлайди, аҳд берса аҳдини бузади, хусуматлашса фожирлик қилади (мақсаддан чиқиб кетади)».

Абу Муслиб раъйи) «...» : «...»

Самура ибн Жундаб розияллоҳу анхудан ривоят қилинган муттафақун алайҳ ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «...Бу кеча тушимда кўрдимки, икки киши келиб, қўлимдан тутиб, муқаддас ерга олиб бордилар. Кўрдимки, бир киши ўтирибди, ёнида бир киши тик турибди. Унинг қўлида темир чангак бўлиб, у чангакни ҳалиги одамнинг оғзининг бир томонига тикар ва у унинг гарданигача етиб борарди. Кейин оғзининг иккинчи тарафига ҳам худди шундай



Ислом Нури

қиларди. Шу аснода унинг оғзининг аввалги томони яна тузалиб аслига қайтар, шунда у қайтиб келиб (у томонга) яна ўшандай қиларди. Мен: «Бу нима ҳолат?», деб сўраган эдим, улар: «Юраверинг, тўхтаманг», дейишди, биз юришда давом этдик... Охирида мен уларга: «Бу кеча мени хўп кездирдингиз, энди кўрган нарсаларим ҳақида айтиб беринглар», дедим. Улар айтишди: «Хўп бўлади, кўрганингиз, темир чангак билан оғзи йиртилаётган одам каззоб-ёлғончи кимса бўлиб, кўп ёлғон гапирар, сўзлаган ёлғони узоқ-узоқларга тарқарди. Энди то қиёмат унга шундай азоб берилади...»

Шарҳ:

Ёлғончилик – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам энг ёмон кўрган ахлоқлардан бўлиб, уни мунофиқларнинг сифатларидан эканини баён қилганлар ва у ўз эгасини дўзахга олиб борадиган гуноҳларга етаклашини, ёлғон сўзлашни одат қилиб олган одам Аллоҳ таолонинг ҳузурида каззоб деб ёзиб қўйилишини хабар берганлар. Сўнг одамлар орасида ёлғон тарқатиб юрадиган одамнинг то қиёматгача тортадиган азобини айтиб бу ёмон хулқдан огоҳлантирганлар.

Бугунги дарсдан олинадиган фойдалар:

1. Ёлғончиликдан огоҳлантириш ва у мунофиқларнинг сифатларидан экани;
2. У фужурга, яъни гуноҳларга етаклайди;
3. У дўзахга тушиш сабабларидан;
4. Одамлар орасида ёлғон тарқатиб юрадиган кишининг азоби қаттиқлиги.